

Толиби илмларга эътибор бериб, уларга хизмат қилиш ҳақида машойихлар насихати



11:11 / 30.05.2020 2327

Мусулмон оммасидан хайр ва яхшилик аҳли зиммасига вожиб нарса

Бугунги кунда Аллоҳ моддий имконият ато этган мўмин-мусулмонлар толиби илмларнинг нафақасини зиммаларига олишлари лозим бўлиб, бу иш буюк хайр-баракалар эшигидир. Аллоҳ таолонинг наздида етимларни кафилликка олиб, уларга нафақа қилишнинг ажри ниҳоятда буюқдир, аммо толиби илмларни таъминлашнинг ажри бундан ҳам улуғдир, чунки толиби илмларни етиштириш мусулмонларнинг келажагига кучли ижобий таъсир кўрсатади.

Халифа Умар ибн Абдулазиз илм талаби учун ажралиб чиққан барчага – устозларга ҳам, шогирдларга ойлик маош тайинлар эди.

Бутун инсоният – мусулмонлар ҳам, ғайридинлар ҳам – турли хил офатлар (тошқинлар, зилзилалар, бўронлар) сабабли мусибатга дучор бўлган давлатларга ёрдам беришда, талафот кўрганларни қутқаришда қўлларидан келган хайр-эҳсонни аямайдилар. Аммо мусулмонлар уламоларнинг йўқлиги бундан ҳам катта мусибат эканини ўйлаб кўришлари керак. Зеро, бу мусибатнинг ўрнини тўлдириш ниҳоятда қийиндир.

Шу боис, мусулмон уммати ўзларининг иқтидорли фарзандларини диний, шаръий билим олишга йўналтириб, бу йўлда уларни чалғитадиган барча нарсалардан сақлашлари, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаб туришлари керак.

Мусулмон уммати уламоларнинг йўқлигидек буюк мусибатни бартараф қилиш ҳақида қайғурмаётганининг ўзи мусибат устига оғир мусибатдир.

Мухаққиқ аллома, шайх Муҳаммад Аввома ҳафизаҳуллоҳнинг

«Маолимул-иршодийя лисинаъати толибил-илм» китобидан.

Тавфиқ Аллоҳдан.